



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 22 май, № 99 (8722)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 май кунини Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар ва янги таклифлар тақдимоти билан танишди.

Таълим ва тиббиёт энг муҳим ва кенг қамровли ижтимоий соҳалардир. Шу боис ислохотларни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида бу соҳаларда Лойиҳа офислари ташкил этилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 22 январда қарорига мувофиқ тузилган Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази томонидан бирламчи бўлиб ва тез тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, давлат тиббий суғуртасини жорий этиш, дори-дармонлар харидини тартибга солиш бўйича қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

Тақдимотда ушбу йўналишлар атрофида таҳлил қилинди.

Мамлакатимизда ҳаёт сифатида бевосита дахлдор бу соҳага катта эътибор қаратилаётган бўлиб, 7 йилда соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблағлар ҳажми 5,9 триллион сўмдан 33,5 триллион сўмга, яъни 6 баробар оширилди. Шифоналар замонавий жиҳозланиб, янгилири барпо этилмоқда. Тиббиётни халққа яқинлаштириш мақсадида жойларда скрининг текширувлари ўтказилмоқда.

Таҳлилларга кўра соҳада аҳоли мурожа-

атларининг 30 фоизигина бирламчи бўлиб ҳал бўляпти. Айрим касалликлар бўйича даволаш услублари эскирган. Ҳамшираларнинг иш доираси кенг эмас.

Бугунги кунда гипертензия, юрак ишемик ва сурункали ўпка хасталиклари, бронхит астма, қандли диабет, гепатит каби энг кўп учрайдиган 7 та касаллик гуруҳи бўйича даволаш стандартлари халқаро талаблар асосида янгиланди. Йил якунига яна 300 та клиник протокол қайта кўриб чиқилди. Беморларга одатий текширувларни белгилаш, дозисиз даволаш каби вазифалар шифокордан ҳамширага ўтказилди. Поликлникаларда беморлар ҳаракати тартибга солиниб, шифокорларга навбат кутиш вақти камайирилди.

Маълумки, уч йил аввал таърихда тарихидан Сирдарё вилоятида тиббий суғурта механизми йўлга қўйилган эди. Бу соҳадаги кўплаб камчиликларни кўрсатиб берди.

Тиббиёт муассасалари етарлича рақамлаштирилмагани сабабли суғурта тизими тўлиқ ишламаяпти. Шифокорларнинг кўп вақти ҳисобот тўлдиришга кетаяпти.

Шу боис Тошкент шаҳрида соҳани рақамлаштириш бўйича намунавий тизим

яратиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун барча муассасалар янги компьютер ва техника воситалари билан жиҳозланади. Йил якунига "Электрон поликлиника" ва "Электрон шифона" тизимлари ишга туширилади.

Шунга асосланиб, 2024 йилда пойтахтимизда давлат тиббий суғурта механизмида давлат тиббий суғурта механизмида жорий этилади. Эътиборлиси, бу аҳоли томонидан тўланаётган умумий солиқлар ҳисобидан бўлади ва одамлардан қўшимча бадаллар ундирилмайди.

Тиббий суғурта доирасида:

— давлат томонидан аҳолига бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситаларининг кафолатланган пакети жорий этилади;

— беморларни ўзлари бириктирилган оилавий шифокорлар орқали тор соҳа мутахассисларига ёки шифоналарга йўллаш тизими ташкил қилинади. Бунда ушбу тартибга риоя қилинган ҳолда бепул тиббий хизматлар кўрсатилади;

— аҳолига кафолатланган пакет доирасида энг кўп учрайдиган касалликлар бўйича дори воситалари электрон рецепт асосида дорионалар орқали бепул берилади.

Тез тиббий ёрдам тизими таҳлил қилинган экан, асосий муаммо мурожаатларни касалликнинг оғирлигига қараб сараласлик билан боғлиқ экани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис тез ёрдам "колл-марказ"ларида беморларга шифокор маслаҳати ҳам йўлга қўйилиши белгиланди. Бу йил Тошкент шаҳрида, келаси йили бошқа ҳудудларда парамедик ва педиатрик бригадалар ташкил қилиниши айтилди. Тизим ҳодимлари тиббий маслаҳат шифокори, чакирувни саралаш оператори, фельдшер-парамедик йўналишида қайта тайёрланади.

Тақдимотда дориаларга ҳақиқий эҳтиёжни шакллантириш, уларни харид қилиш ва жойларга ўз вақтида етказиб бериш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тўғридан-тўғри шартнома асосида сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини ҳамда харид жараёнини такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш орқали касалликларнинг олдини олиш, одамларда ўз саломатлигига масъулият ҳиссини кучайтириш ҳамда муҳимлигини таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

21 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Россия етакчилари олий даражадаги учрашувлар натижасида эришилган келишувлар ижросининг бориши ҳамда булажак икки то-

монлама тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

Товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, етакчи корхоналарнинг кооперация лойиҳаларини амалга ошириш ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш, шу жумладан, ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ PREZIDENTИ ЭРОННИНГ ТОШКЕНТДАГИ ЭЛЧИХОНАСИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май кунини Эрон Ислам Республикасининг элчиخонасига ташриф буюриб, мамлакат шимолида вертолёт қулаши оқибатида Президент Иброҳим Раисий ва унга ҳамроҳлик қилган шахслар фожиаи ҳалок бўлгани муносабати билан дўст Эрон халқига чуқур ҳамдардлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари дипломатик ваколатхонада очилган ҳамдардлик китобига самимий таъзия ва таскин сўзларини ёзиб қолдирди.

Ўзбекистон етакчиси элчи Муҳаммадали Искандарий билан қисқа суҳбатда Президент Иброҳим Раисий етук давлат арбоби ва сибсатчи бўлгани, Эроннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, аҳоли фаровонлигини оширишига ҳамда мамлакат-

нинг халқаро обрўсини мустаҳкамлашга, шунингдек, давлатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга улкан ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлади.

Қуни кеча Ўзбекистон Президенти Эроннинг Олий диний раҳбари оятуллоҳ Сайид Али Хоманейига ҳамдардлик мактуби йўллаган эди.

Ў.А.

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

«МЕН УМРИМНИ ШУ ХАЛҚҚА ТИЖКАНМАН!»

Давлатимиз раҳбари ўша учрашулда, менинг назаримда, халққа юрагини очди. Юрагидаги орзу-армонлари, дилининг туб-тубидаги ниятларини эл билан баҳам кўрди. Қалбдан отилиб чиққан бу ёниқ сўзлар Президентимизнинг ўз халқи олдида берган ҳисобидек эди.

Бугун амалдорлар халқ орасига кирди. Президентимиз бу жараёни жуда халқона тилда ифодалайди: тепадан пастга тушиш...

Тўғри, бу мусибатли ва рангсиз ҳаёт тарзи бугун ўзгарди. Аммо у ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Осмондан ҳам тушгани йўқ. Нега буни биз тез унутамиз, қадрига етмаймиз?!

Англаб турганингиздек, бу жараёнлар Шавкат Мирзиёев шахсияти ва сиёсий иродаси билан боғлиқ.

2 ва 3-саҳифаларга қаранг

Халқаро форум Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш — долзарб масала

Ўзбекистон парламенти аъзолари Индонезияда "Сув умумий фаровонлик учун" шiori остида бўлиб ўтаётган 10-Бутунжаҳон сув форумида иштирок этмоқда.

Уч йилда бир марта ўтказиладиган ушбу форум доирасида бир неча масалага доир ва минтақавий сессиялар, шунингдек, параллель тадбирлар ва икки томонлама суҳбатлар бўлиб ўтади.

Нуфузли анжуманда Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси Борий Алихонов мазруза билан иштирок этиб, Марказий Осиё минтақасидаги сув ресурслари ҳолати ҳамда Ўзбекистонда иқлим ўзгариши шароитида сув муаммоларини ҳал қилиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берди.

Форумда халқаро экспертлар, олимлар, парламентлар аъзолари томонидан сув ресурсларини тақсимлаш, сув танқислиги, ичимлик суви билан таъминлаш, иқлим ўзгаришига чидамли бўлиш учун сув ресурсларини молиялаштириш ва оқилона бошқариш, трансегаравий сув ресурсларини бошқариш, қўроқчиликнинг олдини олиш ва эрта оғохлантириш тизимларини ривожлантириш масалалари кенг муҳокама қилинмоқда.

Халқаро сув форуми 26 майгача давом этади.

«Халқ сўзи».

Ноширлик, матбаачилик ва китобхонлик

Китоб ва мутлоа инсон тафаккурини юксалтирувчи асосий омиллардан саналади. Шу боис ҳам аллома ва мутафаккир аждодларимиз китоб ҳақида илиқ фикрлар айтиш баробарида, инсонни мудом ўқиш ва ўқишга чорлаб келган. Негаки, ҳар бир инсон китоб ёрдамида дунёни ўзи учун кашф этади, таъбир жоиз бўлса, қандай яшаш мумкинлигини ўрганadi.

Мушоҳада

Хўш, бу борадаги вазият бизда қандай?

Охириги йилларда ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиши ҳисобига китоб бироз урфдан қолаётгандек. Аммо мутлоаасиз инсоннинг маънавий камолоти ҳақида ҳам, жамиятнинг ривожига ҳамда ҳам гапириб шунчаки хом хаёлдан бошқа нарса эмас. Ана шу ҳаёт ҳақиқати-

дан келиб чиққан ҳолда юртимизда аҳолининг китобхонлик даражасини юксалтириш, матбаачилик ва ноширлик фаолиятини кучайтиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Муҳими, бир қатор натижалар маънавий камолоти ҳақида ҳам қўлга киритилди. Ва айни чоғда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам йўқ эмас.

Олий Мажлис Сенати Ахборот сиёсати ва давлат орган-

ларида очиклини таъминлаш масалалари кўмитаси томонидан "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси юзасидан таъкидланган ўрганишлар чоғида ҳам бунга яна бир бор амин бўлдик.

Дастлаб Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022-2023 йиллар давомида ноширлик ва матбаа соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар тўлиқ таҳлил қилинганлигини айтиш зарур. Қолаверса, агентлик мутасаддилари билан биргаликда "Янги аср авлоди", "Ўзбекистон" ва "Ҳилол нашр" каби нашриёт-матбаа корхоналари фаолияти кўздан кечирилди.

► 4

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Инсон манфаатларини таъминлашда масъуллиқ ва дахлдорлик

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Палата Спикери Н. Исmoilов мажлис аввалида ўтган ҳафтада мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеаларга тўхталди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари таклифига биноан 17 — 19 май кунлари Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг юртимизга расмий ташрифи ҳар томонлама самарали кечгани, ташриф довомида эришилган ўзаро келишувларни ҳаётга татбиқ қилишда парламент имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, Спикер барча тармоқлар қатори маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш бўйича ҳам тизимли ислохотлар олиб борилаётганига тўхталиб, жумладан, Тошкент шаҳрида миллий эстрада санъати асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хайкали очилгани маънавият, маданият йўналишига қаратилаётган катта эътиборнинг ёрқин намунаси бўлганини таъкидлади.

Шундан сўнг мажлисда ер участкаларидан самарали фойдаланиш орқали маҳсулотлар етиштиришни кенгайтиришга, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар муҳофазаси самарали ташкил этилишига, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича қўшимча қарорларни таъминлашга, Ер кодексида "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган нормаларни вилоятларга чиққан ҳолда фермер ҳўжаликлари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганиди.

Ўтган даврда масъул кўмита аъзолари берилган барча таклиф ва билдирилган эътирозлардан келиб чиқиб, Ер кодекси ҳамда "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган нормаларни вилоятларга чиққан ҳолда фермер ҳўжаликлари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганиди.

Қайд этилганидек, мазкур қонун лойиҳаси кўйи палатанинг шу йил 27 февраль кунини бўлиб ўтган мажлисида иккинчи ўқишда кўриб чиқилиб, ундаги айрим моддаларни қайта иш-

лаш, лойиҳани янада такомиллаштириш ва пишиқ-пухта ҳолатга келтириш ҳамда маромига етказиш мақсадида масъул кўмитага қайтарилганди.

Ўтган даврда масъул кўмита аъзолари берилган барча таклиф ва билдирилган эътирозлардан келиб чиқиб, Ер кодекси ҳамда "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган нормаларни вилоятларга чиққан ҳолда фермер ҳўжаликлари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганиди.

► 4

Сенатор ва ҳаёт

ҲАР БИР МУРОЖААТДА ТАҚДИР МУЖАССАМ

Бугун мамлакатимизда фуқаролар муурожаатлари билан ишлашининг илгор тизими йўлга қўйилган бўлиб, бу амалда катта самара бераётир. Буни Олий Мажлис Сенати томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларига катта масъулият билан ёндашиб келинаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, ўтган ҳафтада парламент юқори палатасига келиб тушган муурожаатлар сони 194 тани ташкил этган. Шундан 69 таси электрон шаклда, 125 таси ёзма ҳолда келган. Айни чоғда Сенатнинг фуқаролар қабулхонасида 48 нафар фуқаро қабул қилинган.

Умуман олганда, Сенатга келган ҳар бир муурожаат қонунчиликда кўзда тутилган нормаларга мувофиқ кўриб чиқилмоқда. Шу билан бирга, аввал йўланган бир қатор муурожаатлар сенаторлар томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари билан биргаликда ҳал этиляпти.

Масалан, Шофиркон туманида истиқомат қилувчи фуқаро Г. Мўминова тумандаги бозор маъмурияти билан низолашга тўғрисидаги айтиб, амалий ёрдам сўраган эди.

Муурожаат сенатор Бахтигул Бўтаева томонидан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, прокуратура, ИИБ, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, солиқ инспекцияси ҳамда бозор маъмурияти вакиллари иштирокида жойида ўрганилди.

Айни жараёнда туман ҳокимлиги вакиллари бу фуқароларга "Аср" савдо мажмуасидан жой таклиф этганини айтиб, мажмуада яратилган шарт-шароитлар билан сенаторни яқиндан таништирди.

Муурожаатчилар билан суҳбат довомида уларга ҳуқуқий тушунчалар берилди ҳамда ҳар бир муурожаат сенаторлар назоратида эканлиги маълум қилинди. Ўз навбатида, фуқароларга савдо ишларини қонунчиликда белгиланган тартибда олиб бориш лозимлиги тушунтирилди.

«Халқ сўзи».

Ноширлик, матбаачилик ва китобхонлик

Тақдимиот

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» ҒИРИТГАН ОЛАМ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, «Тонг юлдузи» газетаси ҳамкорлигида «Тонг юлдузи» ёритган олам китобининг тақдимоти ўтказилди.

Тақдирда таъкидланганидек, жорий йилнинг август ойида юртимиз болалари ва ўсмирларининг севимли наشري — «Тонг юлдузи» газетаси ташкил этилганининг 95 йиллиги нишонланади. Қарийб бир аср вақт давомида газета саҳифаларида бир-биридан қизиқарли мақолалар, эсселар, шеърлар, ҳикоялар, лавҳалар ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди.



«Тонг юлдузи» ёритган олам китобида ана шу асарлар жамланди, — дейди газета бош муҳаррири Феруза Одилова. — Шу боис ушбу тўпلامни муштарийларимиз учун гулдаста, десак, хато эмас. Бундан ташқари, ўқувчилар китоб воситасида «Тонг юлдузи» мактабда етишиб чиққан таниқли ёзувчи ва шоирларнинг, журналистларнинг илк ижодий изланишларидан баҳраманд ўлароқ, ўқувчилик даврларидоги унутилмас ёдномалар билан танишиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Тақдир доирасида газетада узоқ йиллар давомида фаолият юритган фотожурналист Равиль Альбековнинг ижодий кўргазмаси ҳам уюштирилди.

боис айрим нашриётлар томонидан китоб қариши масаласига масъуليات билан ёндашилмапти.

Урганиш якунлари юзасидан ўтказилган йиғилишда соҳа қонунчилигини такомиллаштириш бўйича қарор қабул қилинди.

Умуман, ноширлик, матбаачилик ва китобхонлик йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Олдимизда турган вазиirlалар янада залварди. Бу эса нафақат мутасаддилар, аини чоғда биз, халқ вакилларидан ҳам катта масъулият талаб этади.

Махмуджон ПАРТИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ахборот сибасати ва давлат
органларида очкиқлини таъминлаш
масалалари кўмитасида доимий
асосда ишловчи сенатор.

Урганиш ва тахлилларга кўра, барча нашриётлар томонидан 2022-2023 йиллар давомида хар йили ўртача 7,5 минг номда жами 35,8 млн. нусхада адабиётлар чоп этилган.

Агентлик мутасаддилари аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини оммалаштириш, хусусан, ношир ва китобхонларни рағбатлантириш борасида ҳам бир қатор ижобий ишларни амалга оширишда, бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермасдан қолмаётти.

Хусусан, Хукумат қарорига асосан 2021 йилдан бошлаб мамлакатимизда хар йили «Китобхонлик ҳафталиги» ўтказиб келинапти. Шу йил 22 — 28 апрель кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида «Китобсевар миллат»

шиори остида IV республика «Китобхонлик ҳафталиги» кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Яна бир эзгу иш сифатида агентлик томонидан жорий йилда 50 га яқин болалар ижодкорларининг китобларини ижтимоий буюртма асосида чоп этиш режалаштирилгани, бу борадаги ишлар бошлаб юборилганини келтириш мумкин.

Бу саъй-ҳаракатлар тахсинга, контрафакт, АММО бир қатор муаммолар ҳам борки, улардан кўз юмиб бўлмайти.

Биринчидан, нашр қилинаётган адабиётлар сони ошиши билан бирга, контрафакт ва ностандарт матбаа махсулотларининг айланмаси билан боғлиқ ҳолатлар кўпаймоқда. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг биргаликда

олиб бораётган иши, кўраётган чоратadbирлари, назаримизда, етарли бўлмапти.

Иккинчидан, тайёр китоб махсулотларини олиб кириш ва реализация қилиш йўналишида ҳам ўзига хос муаммолар, таъбир жоиз бўлса, давлат ва жамиятга ҳавф солувчи, миллий ва умуминсоний қадриятлар, аъана ва урф-одатларимиз, одоб-ахлоқ қоидалари, оила муносабатларига путур этказиши мумкин бўлган омиллар борлигиндан кўз юмиб бўлмайти.

Бу эса босма махсулотларни чет давлатлардан Ўзбекистон Республикаси худудида олиб кириш ва экспорттадан ўтказиш тизимини тартибга солувчи ва ноширлик махсулотларини божхона экспертизасидан ўтказиш тартибини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

«Умра» зиёрати билан боғлиқ муаммоларнинг ҳуқуқий ечими

Кейинги йилларда юртдошларимизнинг «Умра» зиёратини адо этиши учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилди. Табиийки, бу кўччиликни мамнун қилмоқда. АММО кейинги пайтда аҳолининг шу зиёратга бориб келишида айрим қийинчиликлар кўзга ташланаётгани ҳам аини ҳақиқат. Бу ҳақда ижтимоий тармоқлар орқали хабардор бўлиб келаяпти.

Фикр

Хусусан, туризм фаолияти билан шуғулланаётган айрим тадбиркорлар «Умра» сафарига кетиш ҳақидаги рекламаларда берилаётган ваъдаларини тўла бажармапти. Натигада манзилга етиб борганда меҳмонхоналар билан боғлиқ муаммолар учра-

моқда, камига, зиёратчилар бориш-келишда самолёт рейслари белгиланган санада кечкишидан шикоят қилмоқда. Қисқача айтганда, уларнинг ҳуқуқлари поймол этилаёттир. Буларнинг барчаси, албатта, амалдаги қонунчиликда

бўшлиқлар борлиги билан боғлиқ. Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенати эллик иккинчи ялли мажлисида сенаторларимиз томонидан маълумланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ани шу ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиришга йўналтирилгани билан эътиборга молик. Бу билан «Лицензиялаш, рўқсат бериш ва хабардор қилиш тартиби-таомиллари тўғрисида»ги ҳамда «Давлат божни тўғрисида»ги қонунлар бaр қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича янги лицензияланадиган фаолият тури жорий этилмоқда. Бунда ушбу лицензия Дин ишлари бўйича қўмита томонидан берилиши ҳамда ушбу лицензияни олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари даражасида давлат божни тўлаиши белгиланаёттир. Қонундаги яна бир муҳим жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат харидлари электрон тизими операторлар фаолиятини тартибга солиш жараёни етарлича қамраб олинмагани ҳам соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатиб келаётган эди. Эндиликда давлат харидлари электрон тизими оператори фаолиятини амалга оширганлик учун ҳам рўқсатнома олиш қўшимча сифатида киритилмоқда. Шу билан бирга, лицензиялаш, рўқсат бериш ва хабардор қилиш тартиби-таомиллари борасидаги ҳуқуқбузарликлар учун ҳам жазома белгиланиши кўзда тутилаётганини таъкидлаш зарур. Яъни «Умра» тадбирларини лицензиясиз амалга ошириш ёки лицензия-

ларни қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олиш базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараварида жарима солинишига олиб келади. Ишонимизки, бу қонун юртовларимизнинг муқаддас амали эмин-эркин ва хавфсиз бажаришида, ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатланишида ҳамда турли фирибгарликларнинг олди олинишига ҳуқуқий ечим бўлиб хизмат қилади.

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт
масалалари кўмитаси раиси
ўринбосари.

Инсон манфаатларини таъминлашда масъуллиқ ва дахлдорлик

Кўмита аъзолари ўрганишлар якунлари ҳамда фермер ҳўжаликлари томонидан билдирилган тақлифларни эътиборга олган ҳолда, қонун лойиҳаси билан Ер кодексининг 40-моддасида ва «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилаётган нормалар маромига етказилди. Яъни қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, сўғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонлари ўн йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижарага берилиши ҳамда ушбу майдонларга мақбул экинлар экилишини ёки тут қўчталарни ўтказилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мажлисида Қонунчилик палатаси Спикери қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб, сўнгиги вақтларда мамлакатимизда ердан, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш маданияти юксалиб бораётгани, аҳоли дала ёки шахсий томорқаларида қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини экиб, ерининг хар бир қариқидан самарали фойдаланиш чораларини кўраётгани, албатта, бу давлатимизнинг ушбу соҳага қаратилган оқилона сибасати натижаси эканини таъкидлади. Шу маънода, ушбу қонун лойиҳасида муҳим янгиликлар акс этгани, депутатлар ташаббуси билан амалда тақлиф қилинаётган норма ўзгаргани, яъни жойлардаги фермер ва деҳқон ҳўжаликлари эгалари тақлифлари инобатга олингани қайд этилди.



Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкалари электрон савдолар орқали ижарага берилади

Мажлисида қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокамага сабаб бўлди. Ушбу қонун лойиҳаси билан Ер кодексига, «Ижара тўғрисида»ги ва «Фер-

ерларини бозор активига айланатириш имкони берилади. Мунозараларда сўзга чиққан Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛидеП фракцияси раҳбари Актам Ҳайтов қонун лойиҳасида қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкасини ижарага беришда муҳим шартлар белгилаб қўйилганига алоҳида тўхтади.

Фикр-мулоҳазалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Ёшлар ишлари агентлиги директорининг ахбороти эшитилади

Мажлисида Ёшлар ишлари агентлиги директори А. Саъдуллаевнинг «Ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиниши, шунингдек, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Мазкур масала Демократик институтлар, нодавлат таъкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташаббуси билан кун тартибига киритилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сибасати йўналишида кенг қуламини ишлар амалга оширилиб, унинг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш мақсадида «Ёшларга оид давлат сибасати тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Янги тахрирдаги Конституцияимизда ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари алоҳида моддалар билан муҳраб қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сибасатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳадаги муаммоларга ечим топиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги ташкил қилиниб, унга кенг ваколатлар берилган.

Ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишлардаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган дастурларни амалга ошириш мақсадида ахлият инфратузилма яратилди.

Мажлисида айтилганидек, Президент Фармони билан «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида ёшлар муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш, уларни талаб юқори бўлган касб-хунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш бўйича қўллаб-қувватлаш белгиланган.

Муҳокамада сўз олган Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, «Миллий тикланиш» ДП фракцияси раҳбари Алишер Қодиров кўмитанинг ташаббусини тўла қўллаб-қувватлашини билдирди. Унинг қайд этишича, Ўзбекистон дунёда санокли ёшлар давлатларидан

бири бўлиб, аҳолимизнинг 60 фоизидан кўпини навқирон авлод ташкил қилади. Давлат раҳбарининг хар бир чиқиши, учрашувларида улар муаммоларини бартараф этиш масаласи илгарти сурилиши ҳам бежиз эмас. Ёшларга оид давлат сибасати акс эттирилган ҳужжатларимизда агентликка жуذا кўп вазирилар юклатилган. Гувоҳи бўлаётганимиздек, бу ишларни амалга ошириш осон бўлмаса-да, агентлик зиммасидаги ишларни самарали бажариб келмоқда. Бу ҳақда барчани хабардор қилишга унинг «овози» етмаслиги мумкин. Парламент ушбу ишларни жамоатчиликка етказиш учун кенг, катта ва ишончли майдон ҳисобланади.

Фракция раҳбари, шунингдек, агентлик фаолиятига ҳалал бераётган қонунчиликдаги камчилик ва бўшлиқлар борлигини биргаликда муҳокама қилишга эришиш лозимлигини қайд этиб ўтди. Шулардан келиб чиқиб, мажлисида ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Ёшлар ишлари агентлиги директорининг ахборотини эшитиш бўйича қарор қабул қилинди.

Мактабгача таълим ташкилотларида қандай муаммолар бор?

Депутатлар Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринбосари — Мактабгача таълими агентлиги директори А. Шинга «Мактабгача таълими соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш мақсадида мактабгача таълим ташкилотларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, замонавий таълим дастурлари ва технологияларни татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида» Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнги йилларда мактабгача таълим ва тарбия соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг барча худудида давлат-хусусий шериклик асосида боғчалар фаолияти йўлга қўйилди. Аини пайтда юртимизда фаолият юрифтаган жами 33 942 та боғчининг 27 162 таси нодавлат таълим ташкилоти ҳисобланади.

Аҳоли мурожаатлари, жойларда депутатлар томонидан олиб борилаётган парламент назорати тадбирлари, сайлов округларидаги учрашувлар жараёниларда мазкур таълим ташкилотларига методик ёрдан бериш, соҳага замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, малакали педагог кадрларни жалб қилиш борасида бир қатор муаммолар борлиги кузатилмоқда. Ушбу муаммолар мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатиши билан бирга, давлат-хусусий шериклик асосидаги таълим

ташкитотлари, оилавий боғчалар учун малакали педагог кадрлар етишмаслигига ҳам олиб келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мажлисида Мактабгача таълим агентлиги директорига парламент сўровини юбориш бўйича қарор қабул қилинди.

Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси

Мажлисида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Б. Мусаевга «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш ҳамда меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида» Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Айтилганидек, қуйи палата депутатлари томонидан меҳнат миграцияси соҳасини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиш ҳолати назорат-таҳлил тартибида ўрганиб боришмоқда.

Урганишларда маълум бўлишича, хорижда ишлаш истагида бўлган, лекан касбий малакага эга бўлмаган ёки чет тилини билмайдиган фуқаролар республикаимизнинг барча худудида очилган мономарказлар ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказларига ўқишга жалб қилиниб, иш берувчининг талабига мос равишда мақсадли тайёрланмоқда. Натигада Ташки меҳнат миграцияси агентлиги томонидан 2023 йилда 38,4 минг фуқаро хорижда ишлаш учун юборилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2024 йил биринчи чорагининг ўзида 20,9 минг нафарни ташкил этмоқда.

Тахлиллар соҳада амалга оширилаётган ишлар билан бирга, ўз ечимини култаётган қатор масалалар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, қўллаб-қувватлаш иш берувчилар ва рекрутнинг агентликлари билан келишувларга эришилганига қарамай, меҳнат миграцияси йўналишларини диверсификация қилиш борасидаги ишларни олиб боришда етарлича самарадорлик сезилмапти. Шунингдек, хорижда ишлаш истагида бўлган, лекан касбий малакага эга бўлмаган ёки чет тилини билмайдиган фуқароларни касбга тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш борасидаги ишларни ташкил этишда ҳам айрим камчиликлар мавжуд. Ишисиз фуқароларнинг хориждаги бўш иш ўринлари бўйича етарли маълумотга эга эмаслиги, тақлиф қилинаётган иш ўринларига қўйилаётган тил билиш ва малака талаблари юқорилиги сабабли уларнинг ривожланган даврларда меҳнат фаолиятини олиб боришда турли муаммоларни юзага келтирмоқда.

Бундан ташқари, тегишли чоралар кўрилмаганиги сабабли меҳнат муҳожирилар томонидан хорижий давлат қонунчилигига риоя қилмаслик, иш ўринларини асосий ташлаб кетиш ҳолатлари ҳам кўп учрамоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирига парламент сўровини юбориш бўйича қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи»

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 14 275 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоини келишилган нарҳда.

Тахририятга келган қўғамалар тахрир қилинмайди ва мустақил қайтарилмайди.

Газетанинг тақсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаоббар.

Газета тахририят компьютер марказда терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Қаримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойназаров.
Мусахҳас — С. Исломов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Газетанинг ҳақиқий маълумотларини оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.55

Топширилди — 00.40

1 2 3 4 5 6